

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2016 йил
18 июнь

ШАНБА

№ 49 (12893)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган



Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

ХХР РАИСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президент-и Ислон Каримовнинг таклифига биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин 2016 йил 21 июнь кунини давлат ташрифи билан мамлакатимизга келади.

Олий даражадаги учрашув ва музокараларда Ўзбекистон – Хитой муносабатларининг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари, долзарб минтақавий ва халқаро сиёсий масалалар муҳокама этилади.

Ташриф дастурида Хитой Раисининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари олдида нутқ сўзлаши ҳам кўзда тутилган.

Ташриф якуни бўйича Ўзбекистон

Республикаси ва Хитой Халқ Республикасининг қўшма баёнотини қабул қилиш, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган битимлар ва бошқа ҳужжатлар имзола-ниши режалаштирилган.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин Шанхай ҳамкорлик ташкилот-и Давлат раҳбарлари кенгашининг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган навбатдаги мажлисида иштирок этади.

Ўшларга оид давлат сиёсати – амалда

Бир миллион беш юз олти миш бир минг. Бугун вилоятимиз аҳолисининг шунча қисмини ёшлар ташкил этади. Ёшларни қўллаб-қувватлаш мақса-дида ўтган йили контракт асосида таълим олаётган талабаларга 8 миллиард сўмдан зиёд таълим кре-диди, ёш оилаларга эса 21 миллиард сўмликдан ортиқ ипотека ва истеъ-мол кредитлари ажра-тилди. Ёшлар учун янги иш ўринларини яратиш, ўрта махсус, касб-хунар коллежлари битирувчи-ларини ишга жойлашти-ришга энг муҳим ва ус-тувор вазифа сифатида қаралапти.



Даврон АХМАДОВ олган сурат.

УМИДИМИЗ ЮЛДУЗЛАРИ МАНГУ ПОРЛАЙДИ

Бинобарин, Истиқлол ёш-лари бугунгидек дориламон замонда, Президентимиз-нинг беадоқ меҳри ва нур-ли умиди тафтидан баҳра олиб камол топаётирлар. Ёшларимизнинг турли жаб-ҳаларда қўлга киритаётган ютуқлари барчамизни чек-

сиз қувонтиради, кўксимиз-ни гурур ва ифтихорга тўлдиради. Бугун 10 нафар истеъдодли ёшларимиз "Нихол" Давлат мукофоти, 17 нафар қизимиз эса "Зул-фия" номидаги Давлат му-кофоти совриндоридир. Вилоятимиз спортчи ёшла-

рининг 300 га яқини Жаҳон, Осиё ва мамлакат чемпиони бўлиб етишишди.

Бундай ютуқлар ҳақида тўхтовсиз гапириш мумкин. Энг муҳими, бундай натижа-лар бизнинг ёшларимиз хал-қаро майдонларда Ватани-миз шарафини муносоиб

ҳимоя қиладиган, жаҳон аҳлига Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч қачон кам бўлмаслигини кўрсата оладиган авлод бўлиб етишаётганини яққол тасдиқлайди.

Давоми 2-бетда. ➡

Ободлик

Бўка тумани-даги "Янги ҳаёт" маҳалласида мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йилли-гига бағишлаб бунёд этилган бир қатор наму-навий майиший хизмат кўрса-тиш мажмуала-ри фойдала-нишга топши-рилди.

«ЯНГИ ҲАЁТ»НИНГ ЯНГИ ЖАМОЛИ

Маҳаллий тadbир-корлар Дилшод Раҳмонов, Алишер Раимқулов, Абдуқаҳҳор Тошпўлатов, Бахтиёр Чинпўлатовлар ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан бунёд этилган ушбу янги мажмуаларда дорихона, савдо дўконлари, тўй ва маросимлар уйи ҳамда бошқа хизмат шахоб-чалари фаолият кўр-сатмоқда.

Маҳаллада очилган "Китоблар олами" дўкони эса аҳолига чинакам тўхфа бўлди.

Алишер РАҲМАТОВ.

РАВНАҚ ВА ИСТИҚБОЛ

Республика Адлия вазирлигида "Ўзбе-кистонда нодавлат нотижорат ташкилотла-рининг жамият ҳаётидаги ўрни ва ривож-ланиш истиқболлари" мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Матбуот анжумани

Нодавлат нотижорат, халқаро ва хорижий таш-килотлар вакиллари иш-тирокидаги тadbирда ҳукукий тарғибот, тadb-

биркорлар, хорижий ин-весторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳамкорлик қўлами ҳамда йўналишла-рининг мақсад ва вази-

фалари хусусида батаф-сил маълумот берилди. Қайд этилганидек, юр-тимизда ННТ сони 8500 дан ошди ва улар турли йўналишларда фаолият юритмоқда. Тadbбирда ННТ амалга ошираётган ишлар ҳақида атрофли-ча тўхталинди.

Наргис ҲАСАНОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ва «ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» газеталарига

2016 ОБУНА давом
йил учун ЭТМОҚДА!

ЛИБОС – ИНСОН ҚАЛБИНИНГ КЎЗГУСИ

Вилоятимиз аҳолисининг яримдан кўпрогини ташкил этаётган аёлларимиз барча соҳалардаги ислохотлар жа-раёнида фаолдирлар.

Маънавият

Қишлоқ ҳўжалигида 25 минг-дан ортиқ, саноат соҳасида 20 минг, соғлиқни сақлаш тизими-да 22 минг, халқ таълими тизи-мида 20 минг, маданият, спорт ва илм-фан йўналишида 5 минг-га яқин, тadbбиркорлик йўнали-шида 8 мингдан ортиқ, шунинг-дек, раҳбарлик лавозимларида 4 мингдан зиёд хотин-қизлар жамият тараққиётига муносиб хисса қўшишмоқда.

Аммо, баъзи ўринларда ом-мавий маданият гирдобининг

шамоли мустақиллик тиклаган қадриятларимиз заволига сабаб бўлаётгани ҳам бор гап. Шунинг учун орамизда замонавийликка, очиқ-сочиқ кийинишга ёки ак-синча, бошдан-оёқ рўдапо ли-босларга ўралиб олишга инти-лаётган хотин-қизлар оз бўлса ҳам учраб турибди. Демак, ки-йиниш маданияти ҳақида сўз-лаш, уларга меъёр деган тушун-чани аниқлаш шу куннинг дол-зарб масаласидир. Зеро, бун-дай қиёфалар атрофдагиларга

тез таъсир этиши, маънавий му-возанатга даҳл қилиш ҳавфини кучайтириши айни ҳақиқат.

Вилоят ҳокимлиги, хотин-қиз-лар кўмитаси ташаббуси билан "Либос – инсон қалбининг кўзгу-си", шунингдек, "Диний экстре-мизм ва терроризм – жамият ҳавфсизлигига таҳдид" мавзула-рида Зангиота туманида ташкил этилган семинар шу мақсадга йўналтирилди. Туман даволаш-профилактика муассасалари хо-димлари ва халқ таълими хо-димлари, педагоглар иштироки-да ўтган тadbбирда сўзга чиққан вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиева шундай деди:

– Кийиниш маданияти инсон-нинг ташки қиёфаси, шунинг-дек, маънавий дунёси, эстетик диди, ахлоқий сифатлари ва ақлий салоҳиятини ифода эта-ди. Лекин, кийиниш мадания-ти, аввало, оилада, ўқув-таълим муассасаларида, маҳаллада шаклланишини унутмаслигимиз керак. Тўғри, замон талаблари-га қараб кийиниш маданиятли-лигининг бир кўриниши, дейиш мумкин. Аммо, жамиятда қарор топган одоб-ахлоқ нормалари-га мос келмайдиган уст-бош билан аёл ўзини ноқулай сези-ши ва кулгили аҳволга тушиши мумкин.

Давоми 2-бетда. ➡

Вилоят ҳокимлиги, хо-тин-қизлар кўмитаси та-шаббуси билан Оҳангарон тумани маданият ва исти-роҳат боғида "Ҳоким кубо-ги" учун аёллар гимнастра-даси баҳслари ўтказилди.

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

ГИМНАСТРАДАНИНГ ЕТМИШ ЁШЛИ ФОЛИБИ

"Соғлом она ва соғлом бола" шиори остидаги гимнастра-да спорт мусобақала-рида тумандаги 21 та мактабгача таълим муассасаси, 59 та умумтаълим мактаби, 7 та касб-хунар кол-лежи ҳамда 49 та ма-ҳаллада ўтказилган

худудий босқичлар фoлиблари қатнашди. 3 ёшдан 75 ёшгача бўлган хотин-қизлар-дан иборат 12 жамоа иштирокидаги гим-настрада ҳақиқий спорт байрамига ай-ланиб кетди.

Эрта тонгдан мил-лий ва маданий қад-

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги олдидан ўтказила-ётган қизиқarli ва жўшқин маданият ва спорт тadbби-ри иштирокчилар қалбида унутилмас таассуротлар қолдирди.

Давоми 4-бетда. ➡

«Tages Anzeiger»:

«Ўзбекистон – Марказий Осиёнинг маданий юраги»

Швейцарияда чоп эти-ладиган "Tages Anzeiger" онлайн-газетасида мамла-катимиз сайёҳлик салоҳия-тига бағишланган мақола босилиб чиқди. Унда рес-публикаимизнинг табиий-иклим шароити, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда мамлакатимиз минтақала-ридаги ўзига хосликлар ат-рофлича қаламга олинган.

Эътироф

Мазкур мақола мамлакат-имизга европалик сайёҳатчилар-нинг сафарларини ташкил эта-диган "Kira-Reisen" сайёҳлик компанияси томонидан тайёр-ланган.

"Tages Anzeiger" ўз ўқувчила-рини ўлкамиз ҳақидаги асосий маълумотлар, яъни юртимиз аҳолиси, ўзбек халқининг қад-риятлари, урф-одат ва анъана-лари билан таништирар экан, мамлакатимиз кўп миллатли юрт эканлигини алоҳида таъ-кидлайди. Қайд этилганидек, Самарқанд, Бухоро, Хива, Тош-кент ва бошқа кўҳна шаҳарлар кўп асрлар давомида тараққиёт ва маънавият ҳамда маданият ва илм-фаннинг маркази бўлиб келган. Ўзбек замини жаҳонга қўллаб-қувват олимларни, файла-суф ва шоирларни тўхфа қил-ганки, улар инсоният цивили-зацияси тараққиётига бебаҳо хисса қўшишган.

"Ўзбекистонга келган сайёҳ мамлакатдаги маънавий-тари-хий мероснинг улуғворлигига гувоҳ бўлади. Тарихий шаҳар-лар зангори гўмбазлари, меъ-морий ёдгорликлари хос бўлган маҳобати ва гўзаллиги билан кишини мафтун қилади".

Мақолада таъкидланганидек, инсоният тарихидаги энг кўҳна трансконтинентал коммуника-циялардан бири – Буюк Ипак йўлининг бунёд бўлиши ва ри-вожланишида Ўзбекистон му-ҳим ўрин тутган. Бу ерда сав-до-сотик билан бирга мадани-ят ва санъат гуллаб-яшнаган, бу эса том маънода ўзбек замини-ни "Марказий Осиёнинг мада-ний юраги"га айлантирган.

"Жаҳон" АА.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
газетасини www.th.uz
сайтида кузатиб боринг

- Жаҳон бозорига йўл
- Тор жойдаги томошалар
- Бахтни ўз уйингдан изла

Жараён

Куйи Чирчиқ туманида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши ташаббуси билан хотин-қизлар форуми ўтказилди.

ЁРУҒ
КЕЛАЖАК
ПОЙДЕВОРИ

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашилари депутатлари, партиянинг "Аёллар қаноти" фаоллари, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди вилоят ҳудудий филиали ва хотин-қизлар иштирок этган тадбирда Президентимиз раҳнаомлигида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилаларда тиббий маданиятни юксалтириш, тиббий муассасалар моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Форум доирасида "Гўзал ва бетакоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шiori остида маданий-маърифий тадбир ҳамда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди вилоят ҳудудий филиали кўча тиббий-ижтимоий ёрдам бригадасининг аҳоли саломатлигини текширувдан ўтказиш лойиҳаси ташкил этилди.

Давлатимиз томонидан биз, аёллар ва фарзандларимизнинг саломатлиги йўлида кўрсатилаётган улкан ғамхўрликдан мамнунмиз, дейди Шохиста Тошева. Бугун ўзим ва икки фарзандим малакали шифокорлар кўригидан ўтдик. Ҳаммамиз соғлом эканмиз. Тинч ва осойишта юртининг оилалари хотиржам, дастурхони тўкин бўлади.

Таниқли санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар, ёш спортчиларнинг чиқишлари тадбирга байрамона кайфият бағишлади.

Ў.А.

ЯНГИЙЎЛ ЗИРАВОРЛАРИ
ХОРИЖГА ЧИҚАДИ

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ янги мулкдорлар синфи бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка катта умид ва ишонч билдирилган эди. Сабаби, тадбиркорликнинг ушбу шакли аҳоли бандлиги ва соғлом рақобатни таъминлаган ҳолда, бозорни янги маҳсулот ва хизматлар

билан тўлдириб, мамлакатда ижтимоий-иқтисодий барқарорликнинг асоси сифатида намоён бўлиши кўзда тутилган эди. Кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда иқтисодий-тимиз ривожда муҳим ўрин эгаллаётгани энди ҳеч кимга сир эмас.

Кичик бизнес

Ушбу тизимда яратилган имкониятлардан тўғри фойдаланган Александр Элмуродов 2010 йилда "Омега зираворлари" масъулияти чекланган жамиятига асос солди. Янгийўл туманидаги ушбу корхона турли зираворлар, кисель ҳамда пишириқлар учун қўшимчалар ишлаб чиқа-

ришга ихтисослашган. Кичик бизнеснинг афзалликлари кўп, дейди А. Элмуродов. У бозор шароитига тезда мослашиб, фаолиятнинг бир туридан бошқасига кам харажат билан ўтиши имкониятига эга. Фаолиятнинг ушбу сектори бандлик муаммосини ҳал қилишда ҳам жуда муҳим-

дир. Шу сабабли, ҳозир корхонамизда қўшимча технологиялар ўрнатилиб, янги иш ўринлари яратилди.

Раҳбар айтганича бор. Корхонада дастлаб икки та дастгоҳда 3 киши меҳнат қилиб, шунга яраша 12 хил маҳсулот ишлаб чиқарилган. Кейинчалик Хитой ва Жанубий

Кореядан замонавий қадоклаш ва майдалаш аппаратлари олиб келиб ўрнатилган, иш ўрни 14 тага, маҳсулот тури эса 64 тага етказилди.

Маҳсулот тайёрлашда фақат янги сабзавот ва мева-оватдан фойдаланамиз, дейди корхона раҳбари. Ҳар бир тайёр қадокқа, у хоҳ манти, хоҳ палов учун бўлади, ўзига яраша зираворлар солинади. Қисқача айтганда, ҳар бирининг ўзига яраша таъми ва таркиби бор. Масалан, кабоб учун тайёрланган қадок таркибига 16 хил зиравор солинади. Улар таомга лаззат бағишлаш билан бирга, тўйимлигини ҳам оширади.

Корхонада яна фунчо-за салати учун крахмал ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Жанубий Кореядан олиб келинган юқори технологик линияда махсус усулда тайёрланаётган ушбу маҳсулот ҳам ўз харидорини топиб улгурди.

Корхона фаолият бошлаганидан буён қадоклаш учун куритилган сабзавотларни бошқа корхоналардан шартнома асосида сотиб оларди. Тиниб-тинчиман раҳбар эндиликда банкдан кредит олиб, сабзавотларни курилтадиган цех куриш ниятида. Бундан ташқари, хориж билан шартнома тузишга эришилса, яна бир миллий маҳсулотимиз ҳақон юзини кўради.

Нозима РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Мансур НАХАЛОВ
олган сурат.

ЛИБОС – ИНСОН
ҚАЛБИНИНГ КЎЗГУСИ

Шунинг учун кийиниш қоидаларини пухта биладиган киши ҳеч қачон ноқулай аҳволга тушмайди, эътироз танбехларга ўрин қолдирмайди. Аввало, борадиган жойингиз – тўй, тантана, маърака ёки уйда кийдиган кийимларингизда миллий маданиятимиз, қадриятларимизга ҳурмат сезилиб тургани маъқул. Бу билан сиз нафақат атрофдагиларни, балки ўзингизни ҳам ҳурмат қилишингизни кўрсатасиз.

Ҳақиқатан ҳам либос – қалб кўзгуси. Кийимлари "қулиб қўйгандек" ярашиб турган ораста аёлларимизга боқганда кўз қувнайди, дил яйрайди. Лекин...

Шу ўринда бир бекатда кўзимиз тушган икки хил манзара ҳақида айтиб ўтишни жоиз деб билдик. 40-45 ёшлардаги аёлнинг устидаги ёқалари очик, тиззаларидан анча юқори ҳарир либоси ҳамманинг эътиборини тортган. Айниқса, ёши каттароқ аёл ва кекса отахоннинг ҳайрату нафрат билан боқиб туришлари дилни ғашлайди. Сал нарида эса, бошдан-оёқ қоп-қора либосга ўраниб олган ёшгина жувон. Нақадар ёқимсиз бу қиёфадан кўнгли хира ортади. Наҳотки, ёруғ олам гўзаллиги бу қалби сўқирларга таъсир қилмас? Демак, бу аёллар яшаётган

Бошланғич 1-бета.

муҳит – оила, маҳалла, жамоатчилик бу масалага лоқайд!

Вилоят ҳокими ўринбосари таъкидлаганидек, бугунги кунда айрим хотин-қизларнинг нафақат кийиниш, балки умуман маданий салоҳияти етарли эмаслиги натижасида оммавий маданиятга берилиш, хусусан, айрим қизларнинг таълим муассасасига, иш жойларига тор шим, очик-сочик, қалта қўйлак ёки аксинча, тушунб-тушунмай, кимларгадир тақлид қилиб бошдан оёққача ўраниб келиш ҳолатлари учраб турибди. Аслида, инсон – қалби, ички дунёси гўзаллиги билан инсон эканлини унутмаслигимиз керак.

Семинар давомида кўргазмали слайдлар орқали ярашилги ва бексизнақай либослар намоиши катта қизиқиш билан кўтиб олинди. Демак, мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганларидек: "Маънавият – инсонни руҳан поклашни, қалбни улғайтишни қорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, имон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир". Бунинг учун маънавиятимизни белгилайдиган ўлчовлардан бири – ташқи қиёфамизга онгли муносабатда бўлишимиз, ёшимиз, ташқи кўрини-

шимиз, ижтимоий ҳаётдаги ўрнимиз ва вазифаларимиздан келиб чиққан ҳолда либос танламоғимиз зарур.

Семинарда "Диний экстремизм ва терроризм – жамият ҳавфсизлигига таҳдид" мавзуи бўйича сўзга чиққан Ўзбекистон Мусулмонлари идораси вилоят вакили ходими М. М. С. хозирги кунда юртимиз ривожини, ёшларимиз камолини кўролмай-диган ёт унсурлардан огоҳ бўлиш, бунинг учун ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, аҳоли ўртасида жиноятчилик ҳамда ақиданарастлик ва терроризмнинг олдини олишга оид тарғибот-ташвиқот ишларини қучайтириш, бунинг учун масъуллар ҳамкорлиги, аҳоли ҳушёрлигига алоҳида эътибор қаратилиши зарурлигини таъкидлади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, лоқайдлик, худбинлик каби иллатларга, аввало, оилада, маҳалла ва ўқув-таълим муассасалари ҳамкорлигида барҳам берилиши керак. Ана шунда эзгу қадриятларимизга ҳурмат, садоқат тўғрисида янада шаклланаверади. Бу борада ёшларимизга ибрат бўлиш, нотўғри йўлдан кайтариш катталарнинг вазифаси, бурчи эканлигини унутмаслигимиз зарур.

Сайёра ЭШМАТОВА.

ФАРМАЦЕВТИКА СОҲАСИ
РИВОЖЛАНИШДА

Зангиота академик лицейида "Ўзбекистонда фармацевтика фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва уни ривожлантириш истиқболлари" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Семинар

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказган семинарда қўйи палата депутатлари, вазирликнинг мутасадди раҳбарлари ва ходимлари, ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари, соҳа мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Истиқлол йилларида соғлиқни сақлаш тизимининг мустаҳкам ҳуқуқий базаси яратилди. Ислохотлардан сўнг аввал мавжуд бўлган кўп бўғинли соғлиқни сақлаш тизи-

ми ўрнига тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий ва мақбуллаштирилган тизими яратилиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Юқори малакали ходимлар тайёрлаш ва уларнинг меҳнатини рағбатлантиришнинг мутлақо янги тизими жорий этилди. Соғлом она ва бола йилида бу соҳадаги ишлар янги босқичга кўтарилди.

Семинарда янги таҳрирдаги "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг дори воситалари ва

фармацевтика фаолияти соҳасидаги ваколатлари ҳамда соҳа ходимлари олдига турган долзарб вазифалар юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, ҳозирги кунда мамлакатимизда 149 та фармацевтика корхонаси фаолият кўрсатаётгани, улар 1 минг 482 номда дори воситалари ишлаб чиқараётгани, айрим дори воситаларининг четдан келтирилаётгани, янги таҳрирдаги қонунда эса маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга қатор енгилликлар берилгани таъкидланиб, вазирликнинг келгусидаги вазифалари муҳофаза қилинди.

Тадбир сўнггида қонун тарғиботида бағишланган бундай тадбирларни келгусида бошқа ҳудудларда ҳам ўтказиш хусусида келишиб олинди.

Нозима РАҲИМОВА.

Энг улуг, энг азиз байрам – Истиқлолнинг 25 йиллиги арафасида ташкил этилаётган турли маънавий-маърифий тадбирлар ҳам умидимиз юлдузлари қамоллига, уларга янги-янги имкониятлар эшигини кенг очиб беришга, орзу-мақсадлари рўёбига хизмат қилаётгани билан аҳамиятлантирди. Жумладан, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ўтказилаётган "Юрт келажаги" иқтидорли ёшлар республика танловининг вилоят босқичида ҳам кўпгина иқтидорли ёшлар кашф этилди. Ёрқин истеъдод эгалларини қўллаб-қувватлаш, ижод ва билим чўққиларини эгаллашларига кўмак бериш, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш мақсадида ўтказилаётган танловда вилоятимизнинг 400 дан зиёд ёшлари иштирок этди.

Танлов иштирокчилари бешта йўналиш ва ўн бир номинация бўйича ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди. Архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик тақлифлари ва техник ишланмалар, тасвирий ва амалий

кара исботлашди. Айниқса, архитектура ва дизайн йўналиши бўйича тақдим этилган замонавий бинолар макетлари, тасвирий ва амалий санъат намуналари томошабинларни ҳайратга солди.

Оҳангаронлик Жаҳонбек Алиев ва Мирзабек Ганиевларнинг ўз туманининг келажақдаги кўриниши ҳақидаги тасаввурлари,

санъат ҳамда адабиёт ва журналистика йўналишлари бўйича ўз маҳоратини намоиш этган эртаимиз давомчилари мустақил юрт ёшлари ҳеч қимдан кам эмаслигини яна бир

либослар, уй жиҳозлари, нафис гулдор гиламчалар, мунчоқдан тўқилган турли буюмлар вилоятимиз ёшларининг назик диди, ёрқин истеъдодини яққол намоён этиб турибди.

Яқунда ҳар бир йўналиш ва номинациялар бўйича аниқланган голиблар танловнинг республика босқичига йўлланма олишди.

Санда РАҲИМОВА.



"Юрт келажаги" иқтидорли ёшлар республика танловининг вилоят босқичи голиблари

Тасвирий санъат бўйича

1-ўрин Жаҳиш Абдуллаев (Қибрай)

Адабиёт йўналиши бўйича шеър 1-ўрин Кумуш Абдусаломова (Куйи Чирчиқ)

наср 1-ўрин Султонпошша Сотиболдиева (Пискент)

Тележурналистика бўйича 1-ўрин Зиёда Эшмуродова (Янгийўл)

Рационализаторлик тақлифлари бўйича 1-ўрин Илҳом Исоқов (Паркент)

Дастурий таъминот бўйича

1-ўрин Абдуллазиз Ҳамиджонов (Паркент)

Техник ишланмалар бўйича 1-ўрин Рўзимурод Бозорбоев (Бекобод шаҳри)

Веб ишланмалар бўйича 1-ўрин Бекзод Қудратиллаев (Ўрта Чирчиқ)

Архитектура ва дизайн йўналиши бўйича 1-ўрин Шухрат Бадилов (Зангиота)

Амалий санъат йўналиши бўйича 1-ўрин Шаҳзод Сайфуллаев (Зангиота)

БАХТУ САОДАТИМИЗ КАФОЛАТИ

Қибрай туманида "Мустақиллик – юртимиз ободлиги, турмушимиз фаровонлиги, халқимиз бахту саодатининг кафолатидир" мавзусида маънавий-марифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбир

Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, партия фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари, ёшлар иштирок этди.

Президентимиз раҳнаомлигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар

юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди. Давлатимизнинг мустақилликка эришиш тарихи, аждодларимизнинг бой маънавий мероси ва миллий қадриятларимизни тиклаш борасида амалга оширилган ишлар, жаҳонда тараққиётнинг "Ўзбек модели" деб кенг эътироф этилган ривожланиш тизими ҳақида аниқ мисоллар, таҳлиллар асосида сўз

юритилди. Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик ва ҳам-жиҳатлик, амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларимиз самараси ҳар бир ҳудуд, маҳалла ва оила фаровонлиги йилдан-йилга юксалиб бораётганида ўз аксини топмоқда.

Мустақиллик ҳаётимиз маъно-мазмунини тубдан ўзгартириб, топталган қадриятларимизни тиклаш, ўзгиримизни англаш, фаровон ҳаёт ва ёруғ келажагимизни ўз қўлимиз билан қуриш йўлида бекиёс имкониятлар берганини ёш авлод онги ва қалбига етказиш бугуннинг долзарб вазифаларидандир, дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты Шухрат Турсунбоев. Айниқса, турли ахборот хуружлари авж олиб бораётган бугунги глобаллашув даврида бу янада катта аҳамият касб этади.

Гўзал ва бетакоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним! шiori остида ўтказилган тадбир доирасида шоир ва ёзувчилар, меҳнат фахрийлари билан учрашувлар ташкил этилди.

И. АВВАЛБОВ,
Ў.А. мухбири.

Г. САТТОРОВА,
Ў.А. мухбири.

